2016 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 241 (13.304)

Баҳоси эркин нархда

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.**

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига, шахсан ХХР Раиси Си Цзиньпинга самимий миннатдорлик билдирди. Хитой ташқи ишлар вазирининг Самарқандда бўлиб, Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Биринчи Президентимизга юксак эҳтиром ифодасидир.

Самимий ва хайрихоҳлик руҳида ўтган суҳбат давомида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йилда Хитойга ҳамда ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йилда Ўзбекистонга ташрифлари ўзаро тушуниш ва ишончга асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлагани, ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги суръат бағишлаганини алоҳида қайд этдилар.

Мамлакатларимиз мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларга алоҳида аҳамият қаратади. Бу амалиётни келгусида ҳам давом эттириш, 2017 йилда навбатдаги учрашувларни ўтказишга келишиб олинди.

Ван И жорий йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва унинг натижаларига яна бир бор юксак баҳо берди. Мамлакатларимизнинг ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин ҳамкорлигини давом эттиришдан томонлар бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибида фаолият юритаётган еттита ихтисослашган кичик қўмиталар доирасида амалга оширилаётган ишлар самаралари қайд этилди.

Икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича фикр алмашишнинг самарали механизмига айланган мамлакатларимиз ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ҳар йилги сиёсий маслаҳатлашувлар ўзаро ҳамкорликнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техникавий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ва сармоявий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан, Ўзбекистондаги устувор лойиҳаларга жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошади.

Хитой компаниялари ва банклари иштирокида мамлакатимизда Қамчиқ довони орқали 19 километрлик темир йўл туннелини ишга тушириш, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ва Кўнғирот сода заводини қуриш, Хоразм вилоятида замонавий экскаватор ва бульдозерлар ишлаб чиқариш, телекоммуникациялар ва ахборот технологияларини ривожлантириш сингари саноат ва инфратузилма ривожи учун муҳим лойиҳалар, шунингдек, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган.

Бугунги кунда "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси шиналари ва конвейер лентаси ишлаб чиқариш заводини ҳамда "Навоийазот" акциядорлик жамияти негизида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш каби муҳим инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Энергетика, нефть-газ, ирригация ва мелиорация соҳаларида, инфратузилмаларни модернизация қилиш борасида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қўшма лойиҳалар тайёрланмоқда.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон – Хитой маданий-гуманитар алоқаларига ҳам юқори баҳо берилди.

ХХР ташқи ишлар вазири Ван И самимий қабул учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди. Хитой раҳбарияти Ўзбекистон билан мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган барча истиқболли йўналишлар бўйича ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг барқарорлиги, хавфсизлиги, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, Хитой халқига тинчлик ва янада фаровонлик тилади.

ЎзА

### 4 декабрь – сайлов куни

***Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувдаги нутқи чоп этилмоқда. Мазкур нутқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.***

*(2-3-саҳифаларга қаранг)*

## ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИҲБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узоқ муддатли кузатувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.**

**● Элликқалъа тиббиёт коллежи, Бўстон академик лицейи, Элликқалъа маиший хизмат ва Сарибий агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида бўлиб ўтган семинарларда ҳуқуқшунослар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар мазмун-моҳияти юзасидан ўқувчиларга атрофлича тушунча берилди.**

**● Урганчда "Меъда-ичак йўллари ўсмаларини ташхислаш ва даволашда янгича ёндашувлар" мавзусида Ўзбекистон онкологларининг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

**● Қўқон шаҳар мусиқали драма театри биноси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.Театр биносини реконструкция қилиш ишлари "Ҳосил-2001" хусусий корхонаси қурувчилари томонидан амалга оширилиб, 2 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Томоша зали, фойеда томошабинлар учун барча шароит яратилди. Зал, саҳна ёритиш ва овоз кучайтириш ускуналари билан жиҳозланди. Театр ҳудуди ободонлаштирилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Сўнгги 68 йил ичида илк бор Ой Ерга энг яқин масофада яқинлашиб йирик ва ёрқин тарзда намоён бўлди. Кейинги бундай ҳолатнинг 2034 йилнинг ноябрь ойида юз бериши таъкидланмоқда.**

**● Кеча Янги Зеландияда 7,8 балли ер қимирлаши натижасида кўплаб уй-жойлар вайрон бўлди, қурбонлар ҳам бор. Кучли зилзила 2 метрли цунамини ҳам келтириб чиқариши натижасида дарё сувлари қирғоқларидан тошиб кетди.**

**● Кечадан бошлаб франциялик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида тайёрланган 36 тонналик, баландлиги 110 метр бўлган қоплама Чернобиль атом электр станцияси устига ўрнатила бошланди. Ушбу қиймати 1,5 миллиард долларлик бўлган мазкур қопламанинг харажати европалик донорлар томонидан қопланган бўлиб, унинг АЭС радиацион хавфсизлигини 100 йил давомида таъминлаши мўлжалланмоқда.**

### Сайлов – 2016

## ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***2016 йил 14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг пойтахтимиздаги филиали билан ҳамкорликда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Олий суд вакиллари, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ўқитувчи ва талабалари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи тўлалигича таъминланмоқда.

Бу борада "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳим аҳамиятга эга. Унга мувофиқ, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар фуқаролар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалигига эътибор қаратди. Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эга. Бунинг учун участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-иродани эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратади. Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Уларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига тўсқинлик қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақти, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Давра суҳбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.***



Т. Мат[illegible]имов (ЎзА) олган сурат

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Касаба уюшмалари федерация кенгаши раиси Т.Норбоева, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Л.Лазери ва бошқалар Ўзбекистонда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

"Соғлом она – соғлом бола" дастурида белгиланган вазифалар узвийлик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида она ва бола скрининг хизмати, перинатал мониторинг самарали йўлга қўйилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича махсус марказларга асос солинди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ноёб тизими яратилди. Ҳозирги кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари, шаҳар, туманлардаги бўлинмалар, тез тиббий ёрдам хизматининг жойлардаги шохобчалари ва санитар авиация хизмати орқали аҳолига бу йўналишда халқаро стандартлар даражасида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш тақвими йилдан-йилга ривожланмоқда. Бугунги кунда 12 турдаги юқумли касалликларга қарши қўлланиладиган вакциналар давлат бюджети ҳисобидан харид қилинмоқда. 2016 йилда бу мақсадларга 18,5 миллиард сўм ажратилди.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ҳам ривожланаётир. Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва фтизиатрия, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология, педиатрия соҳасида махсус илмий-амалий тиббиёт маркazлари ташкил этилиб, аҳолига бу йўналишда юксак савияда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларида ҳар йили эллик мингга яқин юқори технологияли мураккаб операциялар бажарилади. 600 мингдан кўпроқ беморга амбулатор хизмат кўрсатилади.

Мамлакатимизда шаклланган замонавий тиббий-профилактика хизмати тиббиётимизнинг узвий бўғинидир. Бугунги кунда уч мингга яқин қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиникалар, амбулатор-поликлиника муассасалари, туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникалари бу йўналишда халқимизга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган узлуксиз ислоҳотлар туфайли мустақиллик йилларида оналар ўлими 3,2, болалар ўлими 3,4 баробар камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани инсон манфаатларини муҳофазалаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг муҳим маҳсулидир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида тиббиёт тизимининг моддий-техник салоҳиятини янада юксалтириш билан боғлиқ ишлар тобора кенгаймоқда.

Жамиятимиздаги тиббий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнида эл саломатлигини асраш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари – шифокор ва ҳамшираларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тиббиёт муассасалари, хусусан, оналик ва болаликни муҳофазалашга ихтисослашган шифохоналар, санитария-эпидемиология назорати марказлари, шифокорлар ва ҳамширалар ўртасида ўтказилаётган турли танловлар шулар жумласидир.

Тадбирда ушбу танловларнинг ғолиблари эълон қилинди. Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси танловнинг оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича энг яхши тиббиёт муассасаси номинацияси совриндорлари сафидан ўрин олди.

– Тиббиёт муассасамизда касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш, самарали даволаш бўйича барча шароит мавжуд, – дейди Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири Шаҳло Мамажонова. – Натижада педиатрияда қўлланиладиган энг замонавий услуб ва технологиялар даволаш амалиётига кенг татбиқ этилмоқда. Бўлимимизда ҳар йили минг нафардан кўпроқ болага ана шундай юксак технологиялар воситасида тиббий ёрдам кўрсатилади. Танловда эришган ютуғимиз бизни янада кўпроқ интилиш ва изланишга ундайди.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг "Иймон" спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Баҳор ХИДИРОВА**

4 декабрь – сайлов куни

# АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.***

***Хабар қилинганидек, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.***






## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли сайловчилар, қадрли тошкентликлар!

Бугун Сиз каби тўғрисўз, меҳмондўст пойтахт аҳли билан учрашиб турганимдан бағоят мамнунман.

Хабарингиз бор, айни кунларда мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизғин давом этмоқда. Ушбу сиёсий жараён Сиз каби сайловчиларимизнинг юқори сиёсий фаоллиги ва маданияти асосида, юксак савияда ташкил этилаётгани барчамизни хурсанд қилмоқда.

Мана шундай паллада Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод сифатида менга билдирилган ишончни ўзим учун юксак масъулият сифатида қабул қилиб, уни оқлашга ҳаракат қиламан.

Барчамизга маълумки, 2016 йил 9 сентябрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Партиямиз амалдаги қонунчилик ва Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилган тартибга асосан 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш билан боғлиқ аниқ чоратадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Бугунги кунда бажариладиган барча ташкилий-сиёсий масалалар юқори савияда ҳал қилинганлигини айтиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Аввалambор, барча партия ташкилотларида ўтказилган йиғилиш ва конференцияларда партиямиз аъзолари томонидан сайлов кампаниясини муносиб равишда ва кўтаринки руҳда ўтказишга келишиб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда партиядан кўрсатилган вакилнинг иштирок этишини қўллаб-қувватлаш бўйича имзоларни йиғиш жараёни юқори савияда амалга оширилди.

Партиямизнинг 15 октябрь куни бўлиб ўтган VIII Қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури тасдиқланди.

**Ҳурматли учрашув иштирокчилари!**

Сизлар билан яна бир бор халқимиз тақдири, мамлакатимиз келажагига дахлдор бўлган муҳим сиёсий тадбир муносабати билан учрашиб турган эканмиз, энг аввало истиқлол йилларида халқимиз ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Жумладан, ўтган йилларда мамлакатимиз аҳолисининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Жаҳон амалиётида кам учрайдиган бундай кўрсаткичлар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади энг аввало инсоннинг ҳаётий ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга қаратилганидан далолат беради. Буни барчамиз ўз оиламиз, маҳалладошларимиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар мисолида кўриб, англаб турибмиз. Энг муҳими, ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

**Ҳурматли учрашув иштирокчилари!**

Республикамизнинг азим шаҳри Тошкент ҳақида сўз борганда шу ерда туғилиб ўсган, узоқ-яқиндан келиб истиқомат қилаётган, таълим даргоҳида таҳсил олаётган ёхуд сайёҳ бўлиб келганлар дейсизми, барча-барчаси бу шаҳарга бўлган меҳру муҳаббатини тўлиб-тошиб ифода этади. Айниқса, ўзим шу юртда туғилиб ўсганлигим учун ҳам бу ер менга жудаям қадрдон, она шаҳрим сифатида доим шу ерга талпинаман. Қолаверса, "Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади", деган нақл бежизга айтилмаган.

Ҳақиқатдан ҳам эътироф этиш лозимки, пойтахтимиз бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказидир. Айниқса, истиқлол йилларида Тошкент шаҳри қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисга айланди. Пойтахтимизнинг меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда.

Пойтахтимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самарасида энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, муҳташам иншоотлар, турар-жойлар, янги таълим ва шифо масканлари, кенг кўча ва шоҳкўчалар, кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида қурилган саройлар, меҳмонхоналар, маданият ва таълим муассасалари, муҳташам спорт мажмуалари, сўлим боғ ва хиёбонлар ҳамда бир-биридан шинам турар-жой бинолари мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёнидир.

Шунингдек, бугунги кунда Тошкент шаҳри мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида салмоқли ўрин тутади. Хусусан, республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салкам 16 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг қарийб 20 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 37 фоизга яқини, жумладан, маҳсулот экспортининг 26 фоизи айнан Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Буларнинг барчаси пойтахт Тошкентда истиқомат қилаётган кўп миллатли халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги ҳамда бунёдкорлик салоҳиятининг маҳсулидир.

**Қадрли ватандошлар!**

Бугун сайлов кампаниясининг қизғин палласида учрашиб турган эканмиз, шу муносабат билан халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги вазифаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришга қаратилган Дастуримизни таклиф этмоқдамиз.

Мазкур Дастур Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланади.

Шу билан бирга, Дастурда бугунги кунда жамиятимизнинг турли соҳаларида учраётган айрим муаммолар, фуқароларимизни ўйлантираётган масалалар ечими бўйича аниқ таклиф ва механизмлар илгари сурилганлиги, ўйлаймизки, сайловчиларни бефарқ қолдирмайди.

Мазкур дастурга мувофиқ қуйидагилар биз учун энг муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланади:

Биз энг аввало, демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсадини илгари сурамиз. Чунки, адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуриш халқимизнинг асрий орзулари сирасига киради.

Зеро, адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака бўлади, одамларда меҳр-оқибат кучаяди.

Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади.

Шундай экан, биз учун **ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамият қуриш** борасидаги конституциявий нормаларимизни ҳаётга тизимли равишда ва кенг жорий этиш устувор вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Биз бунда ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари ҳукм сурадиган, аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган, фуқароларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ғояларига таянамиз.

Шунингдек, давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

Биз **вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш,** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини кенг жорий этишни ёқлаймиз. Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига доир қарорларни қабул қилишда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда **бюрократизм ва коррупция**нинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишга ҳам хизмат қилади, деб биламиз.

Биз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Хусусан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида **"адолатли қонунларни қабул қилиш", "қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади"** каби ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг ижтимоий ҳимояси амалда таъминланадиган ҳуқуқий давлат, халқчил, адолатли жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови, деб биламиз.

Барчамизга маълумки, жамиятдаги ижтимоий ҳаётимизни қонунлар бошқаради. Қонунлар қанчалик мукаммал ва ҳаётий бўлса ҳуқуқ ва эркинликларимиз ишончли ҳимоя қилинади. Шу сабабдан, биз асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғояси асосий мезон бўлишига интиламиз.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз албатта, давлат ҳокимияти вакиллик органларида шакллантирилган депутатлик корпусларимизнинг салоҳият ва имкониятларига таянамиз.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ҳам доимий эътиборимиз марказидаги масаладир. Биз **"кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор"**, деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Шу билан бир вақтда, биз жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб боришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

Чунки, фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаро ўзининг ҳуқуқларидан тўлалигича фойдалана олади. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга жорий этишни режалаштираяпмиз.

Биз иқтисодий соҳада ҳам бир қатор устувор вазифаларни илгари сураяпмиз. Жумладан, бу борада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз.

Биз мамлакатимиз келажаги – инновацион иқтисодиётда, деб биламиз. Яъни, бутун дунёда фан ва технологиялар жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда фақат янги технологияларга асосланган иқтисодиётгина давлат қудратини ошириб, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бу борадаги мақсадларимизни амалга ошириш учун биз махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилишни режалаштираяпмиз. Мазкур ҳужжатда инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш, Инновация жамғармасини тузиш каби устувор вазифаларни белгилашни мақсад қилганмиз.

Биз **ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш масалаларига**, аввалambор, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт ва импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуқтаи назаридан ёндашамиз.

Шунингдек, биз мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларининг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймаслик мақсадида йирик компанияларнинг марказий бошқарув органларини кичик шаҳарларга кўчириш ҳамда кичик шаҳарларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини республика бюджети ҳисобидан кенг қўламли реконструкция қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий соҳада, шунингдек, энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этиш, мавжуд муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозори яратилишини рағбатлантириш масалалари ҳам ҳар доимгидек эътиборимиз марказида бўлади. Бу борадаги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш депутатлик корпусимиз олдидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Қолаверса, биз **"яшил иқтисодиёт"**га ва унга мос технологияларга ўтишни давлат томонидан кенг рағбатлантириш чораларини кучайтириш, экологик жиҳатдан тоза технологиялар асосида жадал ривожланишни таъминлашга йўналтирилган мутаносиб иқтисодий сиёсат олиб боришни қўллаб-қувватлаймиз.

Айниқса, экология масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу соҳани комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқамиз ва уни ҳаётга татбиқ этамиз. Дастурда хусусан, табиатнинг саноат корхоналари томонидан ифлосланишини камайтириш, чанг ва заҳарли моддаларни кўп ютувчи дарахтлар сонини ва турини ошириш, шаҳарлар ва саноат корхоналари атрофида яшил зоналар барпо этиш орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгилаб қўйилади.

**Ҳурматли сайловчилар!**

Биз бундан кейин ҳам **"Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир"** деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатидан келиб чиққан ҳолда муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашамиз.

Биз **"Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун"** тамойилига амал қилган ҳолда, турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шарти бўлган, кўп йиллик мустақил тараққиётимиз даврида ўзини оқлаган давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттиришни таклиф этамиз.

Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини, аввалambор, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим тизими, йўл қурилиши, коммунал соҳаларда ривожлантириш зарур, деб биламиз. Бундай ҳамкорликнинг энг самарали шаклларини қўллаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиш, ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

*(Давоми 3-бетда)*

# АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

*(Давоми. Боши 2-бетда)*

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига биз, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ишини йўқотганларга янги меҳнат ўринларини ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун таълим олиш имкониятларини яратиш нуқтаи назаридан ёндашамиз. Биз ёшларни муносиб ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб қилиш, коллеж битирувчилари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш юзасидан давлат дастурларининг амалда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш ва ишсизликни минимал даражагача қисқартиришга интиламиз.

Биз иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмагани, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш берувчилар жавобгарлигининг кучайтирилишини таъминлаш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, биз аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлашга интиламиз. Зеро, халқи, фарзандлари соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучли ва қудратлидир.

Аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътиборимиз марказида бўлади.

Биз аҳоли ўртасида талаби юқори бўлган тиббиёт муолажаларига, хусусан, трансплантологияга, экстракорпорал уруғлантириш ва бошқа замонавий тиббий хизматларга рухсат бериш тарафдоримиз. Қолаверса, хорижнинг етук тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатишга, чет эл врачларининг Ўзбекистоннинг тиббий муассасаларида жарроҳлик операциялари ўтказиш амалиётини кенгайтиришга, уларни доимий асосда ишга таклиф қилиш орқали миллий мутахассисларимизнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бугунги учрашувда иштирок этаётганлар орасида хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Шу муносабат билан эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўғинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қараймиз.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Яъни, юқорида айтиб ўтганимдек, Тошкент пойтахт шаҳар сифатида йирик мегаполисга айланиб бормоқда ва табиийки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръати ҳам жуда юқори саналади. Дунёнинг деярли барча пойтахт шаҳарларига хос равишда Тошкентда ҳам уй-жой фонди республикамизнинг бошқа шаҳарларига нисбатан бир неча баробар катта бўлишига қарамай ҳамон аҳолининг турар-жойга эҳтиёжи юқори.

Бу ерга иш, таълим олиш, саёҳат қилиш ва бошқа мақсадлар билан доимий ёки вақтинчалик яшаш учун келадиганлар жуда кўп, яъни одамлар бир жойда узоқ вақт турғун яшамайди. Шу сабабдан бу ерда уй-жой харид қилиш ёки ижарага олиш билан боғлиқ муносабатлар ҳажми катта бўлиб, бу борада ҳуқуқбузарликлар, фирибгарликлар ҳам учраб туради. Қолаверса, аҳолининг катта қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилганлиги сабабли уларнинг коммунал тўловларга сезувчанлиги юқори.

Тошкент шаҳрига хос шу каби ижтимоий масалалар ечими борасида биз ўзимизнинг бир қатор мақбул таклифларимизни илгари сураяпмиз.

Хусусан, биз аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фоизларини оптималлаштириш, уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун жавобгарликни ва назоратни кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Шу билан бирга, пойтахтимизда бунёд этилаётган замонавий уй-жойларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишда уларга инновацион, энергия тежамкор технологияларни ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишни жорий этишга эътибор қаратиш бугун кун талаби, деб биламиз.

**Ҳурматли учрашув қатнашчилари!**

Бугун биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётган бир даврда яшаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

